

## **БУГУН ТУМАНИМИЗДА ЎТКАЗИЛГАН ТАДБИРЛАР**

Риштон тумани Жалаер МФЙ худудида профилактик тардбир ўтказилди. Ушбу тадбир давомида аҳоли яшаш уйларида, корхона ташкилоларда содир бўлиши мумкин бўлган ёнғин, из газидан заҳарланиш ҳолатларини олдини олиш борасида фуқароларга тушунтириш ишлари олиб борилди.

\* \*\*

Бугун туман мактабгача таълим булими тасарруфидаги 24-сонли мактабгача таълим ташкилотида Риштон тумани статистика бўлими ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини руйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги 5655 сонли фармони юзасидан навбатдаги ўқув-семинар ташкил этилди. Семинар катнашчиларига ушбу фармонни мазмун-моҳияти тўғрисида тушунчалар берилди.

\* \* \*

Бугун шунингдек, Риштон тумани статистика бўлими ходимлари томонидан мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 17-сонли мактабгача таълим ташкилотида ҳам ўқув-семинари ташкил этилди. Ўқув-семинарда 17-сонли мактабгача таълим ташкилотининг ходимларига 5655-сонли фармонни мазмун-моҳияти тушунтириб берилди.

\* \* \*

Бугун Риштон туман "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази қошидаги "Бўлғуси келин-куёвлар инновацион мактаби"да оила қуриш арафасида бўлган ёш йигит-қизларга навбатдаги дарс машғулотлари бўлиб ўтди.

Ушбу машғулотда "Оила ҳуқуқи", "Оила саломатлиги", "Оила психологияси", "Оилавий ҳаётда ислом динининг ўрни" мавзуларида ёшларга ҳуқуқшинос М.Тожибоева, психолог Г. Сатилова, врач-уролог Ҳ. Сатилов ва отинойи К. Далиева томонларидан дарслар ўтказилди. Дарс сўнгига битирувчиларга сертификатлар берилди. Сертификатлар Риштон туман "Оила" ИАТ маркази раҳбари М. Тожибоева, туман маънавият ва маърифат бўлими раҳбари Д. Дадабоева ҳамда туман ФХДЁ бўлими мудираси Ҳ. Маматқулова томонларидан берилди  
2020-02-05 19:09:50